



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№41 (994)

2026 йил 2 июнь, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Бокудан Янги Тошкентгача:

Ўзбекистон барқарор урбанизация ва замонавий уй-жой сиёсатининг янги глобал моделини тақдим этди

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессияси (WUF13) тарихдаги энг йирик ва нуфузли тadbирлардан бири сифатида яқунланди. Дунёнинг 180 та мамлакатидан 35 мингдан ортиқ соҳа вакиллари, халқаро ташкилотлар ва давлат раҳбарларини жамлаган ушбу глобал платформада Ўзбекистон делегацияси илк бор ўзининг миллий павильони билан иштирок этди.

Нурали ОРИПОВ,
Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси раисининг Ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси – матбуот котиби.

Тadbир доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, айниқса, “Янги Ўзбекистон” массивлари ҳамда “Янги Тошкент” мега лойиҳаси халқаро ҳамжамият томонидан катта қизиқиш ва юқори эътироф-



Халқаро форум жараёнидан лавҳа.

га сазовор бўлди. Нуфузли анжуман доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқ сузлаб, бугунги кунда урбанизация жараёнлари нафақат шаҳарсозлик, балки глобал хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг муҳим омилига айланаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “урбанизация энди шунчаки қурилиш масаласи эмас, балки глобал хавфсизлик ва барқарорлик масаласидир”.

Нутқда қайд этилганидек, жаҳонда қарийб 3 миллиард инсон муносиб яшаш шaroитларидан тўлиқ баҳраманд эмас, 1 миллиарддан

зиёд аҳоли эса хавfli ва тартибсиз ҳудудларда истиқомат қилмоқда. Шу муносабат билан Президентимиз шаҳарсозлик ва урбанизация соҳасини халқаро миқёсда янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, биринчи ташаббус сифатида “Мутаносиб урбанизация” тамойилини халқаро даражада кенг таъбиқ этиш таклиф қилинди. Иккинчи ташаббус доирасида сунъий интеллект ва рақамли технологияларга асосланган “Ақлли ва хавфсиз шаҳарлар альянси”ни ташкил этиш гоёси билдирилди. Учинчи ташаб-

бус сифатида қадимий Самарқанд шаҳрида уй-жой қурилиши ва соҳага инвестицияларни жалб этиш масалаларига бағишланган нуфузли халқаро форум ўтказиш таклиф этилди.

Шунингдек, экологик барқарорликни рағбатлантириш мақсадида БМТ–Habitat ташкилотининг “Яшил шаҳар” халқаро мукофотини таъсис этиш тўртинчи муҳим ташаббус сифатида илгари сурилди. Бешинчи ташаббус эса 2030 йилда 15-Бутунжаҳон урбанизация форумини (WUF15) Янги Тошкент шаҳрида ўтказиш таклифидан иборат бўлди.



“Янги Тошкент” лойиҳаси мутахассисларга катта қизиқиш уйғотди.

Ушбу юксак минбарларда янграган глобал ташаббуслар ва Боку анжумани доирасида эришилган амалий келишувлар ортида қандай меҳнат ётибди?

Мамлакатимиз делегацияси таркибида форумда фаол иштирок этган Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси раҳбарияти ва етакчи мутахассислари ушбу тарихий таширф якунлари, Президент ташаббусларининг ижро механизмлари ва келгусидаги стратегик режалар билан ўртоқлашди.



Болаликдан бошланадиган буюк кашфиётлар

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан мамлакатимиз маданий-маърифий ҳаётида муҳим воқеа юз берди. Ўзбекистон Ислom цивилизацияси марказида минтақада ўз туридаги илк ноёб болалар музейи фаолият бошлади. Ушбу лойиҳа нафақат янги музейнинг очилиши, балки болалар таълими ва тарбиясига бўлган замонавий ёндашувнинг амалий ифодасидир.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугунги кунда дунё миқёсида музейлар оддий экспонатлар сақланадиган маскан эмас, балки ёш авлоднинг тафаккурини шакллантирувчи, тарихий хотира ва инновацион фикрлашни уйғунлаштирувчи таълим марказларига айланмоқда.

Ислom цивилизацияси марказида ташкил этилган янги болалар музейи ҳам айнан шу таъмоийил асосида фаолият юритади.

Тарих ва келажакни боғловчи лойиҳа

Мазкур музей Буюк Британиянинг 1001 Foundation фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, унинг бош мақсади – ёшларни Ўзбекистоннинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини ўрганишга илҳомлантиришдан иборат.

Аслида, бугунги рақамли даврда болаларнинг қизиқишларини уйғотиш учун анъанавий усуллар етарли бўлмай қолди. Эндиликда тарихни ўқиш эмас, уни ҳис қилиш, илм-фанини эшитиш эмас, уни амалда сынаб кўриш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, янги музейнинг концепцияси замон талаблари билан ҳамохандир.

Шунингдек, музей экспозицияси 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларга мўлжалланган бўлиб, инклюзив муҳит яратилган болалар ҳам эътиборга лойиқ. Бу эса, ҳар бир бола, имкониятидан қатъи назар, билим олиш ва янги тажриба орттириш имконига эга эканини аниқлатади. Қолаверса, музейнинг энг муҳим жиҳатларидан бири – унинг интерактив форматда ташкил этилганидир. Бу ерда таширф буюрувчилар оддий томошабин эмас, балки фаол иштирокчига айланади. Экспозицияда мум ҳайкаллар, 3D моделлар, қисқа метраж-ли фильмлар ҳамда интерактив сенсор инсталляциялар ўрин олган.



Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари иш жараёнида.

“Иншоотларнинг сонидан кўра, сифатига алоҳида эътибор қаратаямиз”

Мамлакатимизда кўп қаватли уй-жойлар, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, янги иш ўринларини яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Айниқса, қурилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар нафақат бунёдкорлик суръатини оширишга, балки аҳолини муносиб турмуш шaroити билан таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда. Бу жараёнда иншоотларнинг сонидан кўра, уларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бор гап.

Хусусан, Навоий вилоятида ҳам кўп қаватли уйлар ва турли иншоотлар қурилиши жадал суръатда давом этмоқда. Худудда барпо этилаётган биноларнинг сифатли қурилиши, зилзилабардош ҳамда шаҳарсозлик талабларига тўлиқ жавоб бериши учун зарур чора-тадбирлар амалга ошириляпти.



“O'zbekiston bunyodkori” газетаси мухбири **Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ** Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи **Алишер ТУРДИЕВ** билан худди шу масалалар юзасидан суҳбатлашди.

– Навоий вилоятида Зардуштийлик даври билан боғлиқ зиёратгоҳлар, “Мавлоно Ориф Дегтароний” масжиди, “Қосим Шайх” зиёратгоҳи, “Работи Малик” қарвонсарой ёдгорлиги, қадимий Нурота чашмаси ҳудудидаги ёдгорликлар, Мир Саид Баҳром макбараси каби асрларни асрларга боғлаб келаятган кўплаб қадимий иншоотлар борки, улар ҳамон ўз кўрқини йўқотмаган. Вилоятда бунёд этилаётган бугунги иншоотлар ҳам улардек бўлиши учун нима-ларга эътибор қаратилляпти?

– Аҳоли сони ортиб бoргани сайин уй-жойга бўлган талаб ва эътиёж ҳам тобора ошмоқда. Бу эса, қурувчилар зиммасига нафақат кўп қаватли уйлар ва бошқа иншоотларни барпо этиш, балки уларнинг сифатини таъминлашдек муҳим вазифани юклямоқда. Шу боис, аввало, қурилиш учун жой танлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилляпти. Чунки вилoят ҳудудидаги ер майдонлари таркиби ва банитет даражаси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Ана шу омиллардан келиб чиқиб, ҳар бир объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари бир нечта мутасадди ташкилотлар томонидан тайёрланади. Улар экспертизадан ўтказилиб, барча талаб ва метёрларга тўлиқ жавоб берадиган энг мақбул вариант танлаб олинади.

Бугунги кунда қурилиш ишларини ташкил этишда ҳам мутлақо янгигча ёндашув қарор топган. Бугун объектлар тасодифий ёки тажрибасиз ижрочиларга топширилмайди. Аксинча, барча ишлар тендер асосида амалга оширилиб, буюртмачи ва пудрат ташкилотларининг қурилиш соҳасидаги тажрибаси, илгари бажарган ишлари ва имкониятлари атрофлича таҳлил қилинади. Қолаверса, қурилишда фойдаланилаётган материаллар сифати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, биноларнинг мустаҳкамлиги, зилзилабардошлиги ва узoқ йиллар давомида халққа хизмат қилиши кўп жиҳатдан айнан шу омилга боғлиқ. Ана шундай ташкилчи ва амалий чора-тадбирлар натижасида бугун вилoятимиз ҳудудида барпо этилаётган иншоотлар ҳар томонлама сифатли, хавфсиз ва замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради, десак хато бўлмайди.

– Юқорида таъкидланганидек, объектларда қурилиш-монтаж ишлари рисоладек бўлиши учун аввало, тасдиқланган лойиҳа смета ҳужжатларига мос келиши керак. Шошма-шошарлик билан амалга оширилган иш ёки лойиҳада кўрсатилган материал ўрнига бошқасидан фойдаланиш келгусида бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Шундай эмасми?

– Бу масала инспекция ходимлари томонидан қатъий назоратта олинган. Айни пайтда барпо этилаётган барча объектларда қурилиш ишларининг сифати, шаҳарсозлик қоидаларига мувофиқлиги, бино конструкцияларининг мустаҳкамлиги ҳамда техника хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши юзасидан мунтазам мониторинг ўтказилмоқда. Жумладан, Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 5398 та мониторинг амалга оширилди. Ўтказилган таҳлилларга кўра, энг кўп учраётган муаммолардан бири – қурилиш жараёنларида сифатсиз қурилиш материалларининг қўлланилаётганидир. Шунингдек, айрим ҳолатларда техника ва муаллифлик назоратининг етарли даражада ташкил этилмаётгани, лицензия ҳамда рухсат берувчи ҳужжатлар билан боғлиқ қонунобузилишларга йўл қўйилаётгани ҳам аниқланган. Мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида мутасадди ташкилот ва масъулларга нисбатан 293 та тақдимома киритилди. Бу каби чора-тадбирлар қурилиш соҳасида қонунийликни таъминлаш, объектлар сифатини ошириш ҳамда аҳоли хавфсизлигини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Ислom цивилизацияси марказидаги болалар музейи.



uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today



Бокудан Янги Тошкентгача:

Ўзбекистон барқарор урбанизация ва замонавий уй-жой сиёсатининг янги глобал моделини тақдим этди



Глобал ҳамкорлик ва келишувлар

Анжуман доирасида кўмита делегацияси БМТ бош котиби ўринбосари, БМТ-Habitat директори Анаклаудия Россбах билан учрашувлардан ташқари, Жаҳон банкининг Шаҳарсозлик масалалари бўйича директори Мин Жанг ҳамда Инфратузилма бўйича вице-президенти Валери Левков билан муҳим музокаралар ўтказди. Асосий амалий натижалардан бири – Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) доирасида шаҳарсозликни биргалликда ривожлантириш бўйича ҳамкорлик Меморандумининг имзола-ниши бўлди.

– Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар, айниқса, 2030 йилги Бутунжаҳон урбанизация форумини Янги Тошкентда ўтказиш таклифи Бокуда катта мамнуният билан қабул қилинди, – деди Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Орифжон Файзиев. – Бу ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан Ўзбекистоннинг шаҳарсозлик сиёсатига бўлган юксак ишонч сифатида қабул қилинди. ТДТ Бош котиби Кубаничбек Омуралиев билан ўтказган мулоқотимизда у



▼ Қизиқарли мавзулар муҳокамада.

киши Ўзбекистон миллий павильонининг яшил концепциясини мамлакатимизнинг экологик кун тартибига содиқлиги рамзи сифатида юқори баҳолади. Имзоланган ҳамкорлик Меморандуми мазмунан жуда салмоқли. Биз ТДТга аъзо давлатлар билан нафақат тажриба алмашамиз, балки Президентимиз айтган “Мутаносиб урбанизация” тамойиллари асосида трансчегаравий ва минтақавий лойиҳаларни мувофиқлаштирамиз. Жаҳон банки раҳбарияти билан учрашувда эса “Янги Тошкент” ва “Янги Ўзбекистон”

массивларини ривожлантириш бўйича аниқ келишувларга эришдик. Бу лойиҳалар шунчаки қурилиш эмас, инсон капиталини ривожлантириш марказига айланади.

Ер ресурсларини тежаш давр талаби

Ўзбекистонда кузатилаётган юқори демо-график ўсиш – йилга қарийб 800 минг нафар янги аҳоли ва 250 мингта янги оила шакллани-ши – уй-жой бозорига бўлган талабни кескин оширмоқда. Агар 2025 йилнинг ўзида 110 минг квартирали уй қурилган бўлса, 2040 йилга бо-риб бу кўрсаткични йилга 421 мингтага етказиш ва ипотека кредитлари портфелини 56,7 миллиард долларгача ошириш стратегик мақсад қилиб қўйилган.

– Президентимиз ўз нутқида урбанизацияни оддий қурилиш эмас, балки инсон учун шинам ва хавфсиз ҳаёт муҳитини яратиш эканлигини доим таъкидлайди, – деди Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий кўмитаси бошқарма бошлиғи Артём Крескас. – Аҳоли тез ўсаётган ва сув ҳамда ер ресурслари чекланган шароитда шаҳарларни кенгайтириш (горизонтал ўсиш) сиёсатини ўз-гартриш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда республикадаги кўп квартирали уй-жой фон-дининг эскирган 2-3 қаватли уйлар ўрнига,

Болаликдан бошланадиган буюк кашфиётлар



Бундай ёндашув болаларнинг ахборотни қабул қилиш хусусиятларига тўлиқ мос келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бола кўрган, эшитган ва ўзи иштирок этган жараёнларни анча яхши ослаб қолади. Шу сабабли, замонавий музей педагогикаси айнан интерактивлик та-мойилига таянади. Масалан, тарихий шахслар-нинг мум ҳайкаллари болаларда ўтмиш билан жонли учрашув таассуротини уйғотса, 3D мо-деллар мураккаб илмий ва тарихий жараёнларни содда ва тушунарли шаклда англаш имко-нини беради. Сенсор технологиялар эса таълим жараёнини ўйин элементлари билан бойитади.

Бешта мавзули зона – бешта олам

Музейнинг концептуал марказини бешта тематик зона ташкил этиб, ҳар бир ҳудуд бола-ларда маълум бир йўналишга қизиқиш уйғотишга хизмат қилади. Жумладан, коинот хари-таси деб номланган илк ҳудуд, математика ва астрономияга бағишланган. Бу ерда ёш ташриф буюрувчилар қадимий аллоомаларимизнинг ос-мон илми соҳасидаги мероси билан танишиш баробарида, замонавий астрономия ютуқларини ҳам ўрганадилар. Бугунги кунда космик те-хнологиялар инсоният тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис, болаларда астрономияга қизиқиш уйғотиш ке-лажақдаги олимлар ва муҳандислар авлодини шакллантиришга хизмат қилади.

Саломатлик посбонлари, дея аталган ҳамда тиббиёт ва табобатга бағишланган навбатда-ги ҳудуд ёшларни соғлом турмуш тарзи, инсон организми ва буюк табиблар мероси билан та-ништиради. Айниқса, ёш авлодда соғлом ҳаёт маданиятини шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканини инобатга олсак, мазкур зонанинг аҳамияти янада ортади.

Донишманд ҳукмдорлар номи билан атал-ган кейинги ҳудуд эса, асосан, тарихий давлат арбоблари, стратегик фикрлаш ва бошқарув санъати-га бағишланган. Болалар бу ерда мам-лакат тараққиётида муҳим ўрин тутган буюк ҳукмдорлар фаолияти билан танишиб, лидер-лик, масъулият ва узоқни кўра билиш каби фа-зилатларнинг аҳамиятини англайдилар.

Навбатдаги зал – Ипак йўлининг овози бў-либ, адабиёт ва санъатни ўзида мужассам этган. Мазкур зона ёшларнинг эстетик дидини шакл-лантиришга хизмат қилади. Бу ерда буюк мута-факкирлар, шоирлар, ёзувчилар ва санъат намо-ёндаларининг боғ мероси замонавий усулларда намоиш этилади. Натияжада болаларда китоб-хонлик, ижодкорлик ва санъатга муҳаббат туй-ғулари ривожланади.

Инновациялар ва технологияларни қамраб олган сўнгги ҳудуд – Кашфиётлар ворислари бўлиб, ушбу зона музейнинг энг замонавий қисмларидан бири ҳисобланади. Бу ерда сунъий интеллект, робототехника, муҳандислик ва технологик янгиликлар билан танишаётган

болалар эртанги кун касблари ҳақида тасаввур ҳосил қиладилар. Бу эса уларнинг касб танлаш жараёнига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Тўғарақлар – истеъдодларни кашф этиш майдони

Музей очилиши билан бир қаторда бола-лар учун турли тўғарақлар ҳам иш бошлади. Хусусан, карвинг санъати, бисер тикиш ва ро-бототехника йўналишлари ёшларнинг катта қизиқишига сабаб бўлмоқда. Бу тўғарақлар бо-ларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш билан бирга, уларнинг амалий кўникмаларини ривожлантиради. Хусусан, карвинг санъати тас-вирий тафаккурни, бисер тикиш сабр-тоқат ва эстетик дидни, робототехника эса техник фикр-лаш ҳамда муаммоларни ҳал қилиш қобилия-тини шакллантиради.

Бугунги кунда ривожланган давлатлар таж-рибаси шуни кўрсатмоқдаки, мактабдан ташқа-ри таълим тизими келажақ мутахассисларни тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Шу маънода мазкур тўғарақлар ҳам мамлакатимизнинг ин-теллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қи-лувчи муҳим платформага айланиши мумкин.

Шунингдек, музейда йўлга қўйилган “Би-лим паспорти” лойиҳаси ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Мазкур лойиҳа болаларни билим олишга рағбатлантириш, тўғарақларга мунтазам қатна-шишга ундаш ва янги марраларни забт этиш-га мотивация беришга қаратилган. Қолаверса, таълим психологиясида рағбатлантириш меха-низмлари муҳим ўрин тутади. Айниқса, ўйин элементлари билан бойитилган таълимий ло-йиҳалар болаларда қизиқиш ва фаолликни се-зишлари даражада оширади.

Янги Ўзбекистон болалари учун янги имкониятлар

Ислом цивилизацияси марказида очилган ушбу музей мамлакатимизда болалар таълими ва маънавий тарбиясига қаратилаётган эъти-борнинг амалий ифодасидир. Бу маскан тарих-ни бутун билан, миллий меросни замонавий технологиялар билан, таълимни эса қизиқарли саргузашт билан боғлаб олгани билан аҳамият-лидир.

Энг муҳими, бу ерда болаларга тайёр билим берилмайди. Аксинча, уларда савол бериш, из-ланиш, кашф этиш ва яратишга бўлган қизиқиш уйғотилади. Зеро, эртанги куннинг олимлари, муҳандислари, шифокорлари, ижодкорлари ва давлат арбоблари айнан бутун музей йўлақла-рида ҳайрат билан атрофга боқаётган болалар орасидан етишиб чиқади.

Шундай экан, 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига очилган ушбу ноёб маскан нафақат байрам совғаси, балки Янги Ўзбекис-тоннинг билимли, тафаккури кенг ва иннова-цион фикрлайдиган авлодини тарбиялаш йў-лидаги муҳим қадам сифатида тарихда қолиши шубҳасиз.



Хўлудий инспекция мутахассислари назорат тадбирларида.

“Иншоотларнинг сонидан кўра, сифатига алоҳида эътибор қаратяпмиз”



– Қурилишда сифатсиз матери-алларнинг қўлланилишига сабаб нима? Бу жараёнда ҳудудий инспекция томонидан қандай чоралар кўрилкоқда?

– Албатта, қурилиш-монтаж ишлари жараё-нида қўлланилаётган барча материаллар лойи-ҳада белгиланган талабларга тўлиқ жавоб бери-ши шарт. Бироқ айрим ҳолатларда буюртмачи ёки пудрат ташкилотининг масъулиятсизлиги оқибатида объектларда сифатсиз материаллар-дан фойдаланилаётгани аниқланмоқда. Бундай ҳолатларга нисбатан эса кескин чоралар кўри-ляпти. Жумладан, шу кунга қадар 44 та объектда сифатсиз қурилиш материаллари ишлатилгани сабабли уларни буздириш чораси қўлланилди. Бу эса, соҳадаги назорат фақатгина хужжатбоз-лик билан чекланиб қолмай, амалда ҳам қатъий талаб ва тартиб ўрнатилганини кўрсатади. Шу-нингдек, қурилиш қондалари ва меъёрларини бузган 105 та объект пудратчисига маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилди. Бу каби таъсирчан чоралар қурувчиларнинг масъуля-тини ошириш, соҳада интизом ва сифатни таъ-минлашга хизмат қилмоқда.

– Объектларнинг сифатли барпо этили-шини назорат қилишдан ташқари, ҳудудий инспекция томонидан яна қандай тадбирлар ташкил этилмоқда?

– Аҳоли фаровонлигига хизмат қилувчи барча соҳаларда назорат ва мониторинг ишла-рини мунтазам олиб бориш – асосий вазифа-миз ҳисобланади. Айниқса, кейинги йилларда минтақада сув танқислиги тобора кучайиб бо-раётган бир пайтда ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш ва уни тежаш масаласига давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда, бир қатор қонун ва қонуности ҳуж-жатлари қабул қилиниб, амалиётга кент татбиқ этилмоқда. Афсуски, шахсий манфаатини устун қўйиб, қонун талабларини четлаб ўтишга ури-наётганлар бу соҳада ҳам учраб турибди.

Жумладан, жорий йилда инспекция ходим-лари томонидан ичимлик сувини исроф қилиш ва ундан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ 115 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди. Ушбу қо-нунбузарликлар юзасидан айбдорларга нисбатан жами 4071 миллион сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилди. Шунингдек, ичимлик суви



“вертикал ўсиш” тамойили асосида замонавий мажмуалар қуришга ўтилмоқда. Бу жараёнда “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш-нинг қатъий мезонлари белгиланган. Эндликда янги массивлар фақат туман ва шаҳар мар-казларига яқин (2 километргача) бўлган, тайёр инфратузилмага эга ҳудудларда танланади. У ерда камида 70 минг киши истиқомат қилиши ва камида 100 минг квадрат метр майдонга эга, 7 қаватдан кам бўлмаган уйлар қурилиши шарт. Бу уйлар атрофида мактаб, боғча, тиббиёт мас-канлари ва яшил майдонлар комплекс тарзда барпо этилади. Мақсад – шаҳар ичида шаҳар яратиб, аҳолининг ортиқча транспорт харажат-ларини камайтиришдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари су-рилган “Ақлли ва хавфсиз шаҳарлар альянси” ташаббуси Ўзбекистоннинг ички рақамлашти-риш сиёсати билан ҳамбарчас боғлиқ. Кўмита томонидан соҳани тўлиқ рақамлаштириш ва ижтимоий адолатни таъминлаш бўйича муҳим қадамлар ташланди.

WUF13 форумида хорижий экспертларга Ўзбекистоннинг рақамли урбанизация тажри-басини тақдим этганимизда, улар тизимнинг комплекс эканлигига алоҳида эътибор қара-тишди, – деди Урбанизация ва уй-жой бозо-рини барқарор ривожлантириш миллий кў-митаси бошқарма бошлиғи Камрон Нигматов. – Шаҳарларнинг тартибсиз кенгайишининг олдини олиш мақсадида республикада агломе-рация ҳудудлари белгиланди. Энг муҳими, бар-ча шаҳарсозлик жараёнларини, ер банкни ва истиқболли лойиҳаларни ўзида жамловчи “Uy-Joy” ягона рақамли урбанизация платформаси яратилмоқда. Бу тизим шаҳарсозликда корруп-цияни йўқотиш ва шафдофликни таъминлаш-нинг бош гаровидир. Яна бир муҳим йўналиш – Президентимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги топшириқлари ижросидир.

Урбанизация жараёнлари кам даромадли ои-лаларни уй-жой бозоридан четда қолдирмас-лиги шарт. Шу мақсадда даромади юқори бўл-маган оилалар, 30 ёшгача бўлган ёшлар, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган ёлғиз аёллар ва расмий меҳнат мигрантларига бошланғич бадал ва фойз тўловларини қоплаш учун дав-лат бюджетидан субсидиялар ажратиш тизими кенгайтирилди. Бу тажриба форум иштирокчи-ларига катта қизиқиш уйғотди.

Экологик барқарорлик ва “Яшил” стандартлар

Давлатимиз раҳбари томонидан БМТ-Habitatнинг “Яшил шаҳар” халқаро муқофотини таъсис этиш ташаббуси Ўзбекистоннинг эколо-гик мажбуриятлари нақадар жиддий эканини кўрсатади. Мамлакат ичида қурилиш соҳасига экологик стандартлар қонунан мажбурий қи-либ киритилмоқда.

Хулоса ўрнида, WUF13 Бутунжаҳон урба-низация форуми Ўзбекистон учун шунчаки нав-батдаги халқаро тадбир эмас, балки мамла-катнинг янги дунёвий қиёфасини ва стратегик салоҳиятини намоиш этиш имконияти бўлди. урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ри-вожлантириш миллий кўмитаси томонидан Президент ташаббуслари асосида олиб борила-ётган тизимли ишлар яқин йилларда юртимиз шаҳарларини нафақат замонавий ва вертикал ўсувчи, балки экологик тоза, “ақлли”, “15 дақиқа-лик шаҳар” концепциясига мос масканларга ай-лантиради. Бокудан бошланган глобал эътироф эса, 2030 йилда Бутунжаҳон урбанизация фору-минини Янги Тошкентда олий даражада ўтказиш учун мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал пой-девордир.

тармоқларига ноқонуний уланиш билан боғлиқ 101 та ҳолат бартараф этилди ва қонунбузарларга нисбатан белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилди. Бу каби ишлар сув ресурсларини асраш, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъмин-лаш ҳамда соҳада қонунийликни мустаҳкам-лашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Навоий вилоятидаги кўп қаватли турар жойлардан фойдаланиш ва бошқаришда қан-дай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

– Бугунги кунда вилоятимиз ҳудудида жами 2127 та кўп қаватли уй-жой мавжуд бўлиб, улар-дан 2103 тасига 77 та бошқарув сервис компания-си хизмат кўрсатмоқда. Қолган 24 та ётоқхона эса УЖЁФБ (Уй-жой ва ётоқхоналардан фойда-ланиш бошқармаси) ҳамда НКМК томонидан коммунал хизматлар билан таъминланган.

Кўп қаватли турар жойлардан самарали фойдаланиш, уларни сақлаш ва техник ҳолати-ни назорат қилиш мақсадида алоҳида ишчи гу-руҳлар ташкил этилган. Ушбу гуруҳлар мунтазам равишда жойларга чиқиб, уйларнинг техник ҳо-латини ўрганади. Аниқланган камчиликлар эса ўз вақтида бартараф этилмоқда. Текширувлар давомида шу кунга қадар 212 нафар шахс томо-нидан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйил-гани аниқланди. Жумладан, 69 та ҳолатда таянч ва тўсиқ конструкцияларига зарар етказилган, 124 та ҳолатда кўп квартирали уйларнинг ту-таш ҳудудларида ўзбошимчилик билан турли қурилмалар қурилган. Шунингдек, 30 та ҳолат-да ертўла қисмлари ноқонуний реконструкция қилиниб, 25 та ҳолатда эса санитария талаблари бузилгани маълум бўлди.

Айни пайтда ушбу қонунбузарликлар юза-сидан 3 нафар шахсга нисбатан судга даъво ари-залари киритилди. Бу каби чора-тадбирлар кўп қаватли уй-жойларнинг хавфсизлиги, санитар ҳолати ва аҳоли учун муносоиб яшаш муҳитини таъминлашга хизмат қилмоқда.


– Президентимизнинг топшириғига би-ноан, эртан йили кўп қаватли уйларнинг зил-зилабардошлилиги ўрганилган эди, у қандай натижа берди?

– Бу, энг муҳим масалалардан бири ҳисоб-ланади. Топшириққа асосан, кўп квартирали уйларнинг зилзилабардошлик ҳолати босқич-ма-босқич ҳатловдан ўтказилиб, визуал ўрга-ниш асосида сейсмик жиҳатдан заиф ёки ава-рия ҳолатига яқин бўлган бинолар аниқланди. Шу жараёнда “Pasportbino.uz” платформасида қайд этилган 1747 та бино-иншоотдан 454 та-сининг аввал тузилган далолатномаларига те-гишли ўзгаришлар киритилди. Ҳатлов ишлари давомида 47 та кўп квартирали уйнинг техник ҳолати инсон ҳаёти учун хавф туғдириши мум-кин бўлган бир қатор омилларни ўз ичига олган маълум бўлди. Шундан, 7 таси бўйича қўшим-ча инструментал-техник текширувлар ўтказиш зарурлиги белгиланди, 40 та уй эса сейсмик жиҳатдан заиф деб топилди. Аҳоли хавфсизли-гини таъминлаш мақсадида бу борада Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамда шаҳар ва туман ҳо-кимликларига, Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хужалиги бош бошқармаси-га, вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда вилоят прокуратурасига белгиланган тартибда расмий хатлар юборилди.

Айни пайтда ваколатли ташкилотлар то-монидан ушбу масалалар юзасидан зарур чо-ра-тадбирлар амалга оширилмоқда.

– Мазмуни суҳбат учун раҳмат!

Шаҳарсозликда зичлик параметрларининг қўлланилиши



Замонавий шаҳарсозлик жараёнларида ҳудудлардан самарали фойдаланиш, қурилиш зичлигини бошқариш ва барқарор ривожланишни таъминлаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда аҳоли сонининг ортиб бориши, урбанизация жараёнларининг жадаллашуви ҳамда ер ресурсларининг чекланганлиги шаҳар ҳудудларида оптимал режалаштириш воситаларини қўллашни талаб этмоқда.

Умиджон ФАЙЗИЕВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекцияси” Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи.

Шу нуқтани назардан, умумий майдон нисбати (UMN ёки FAR – Floor Area Ratio) кўрсаткичи шаҳарсозликда муҳим тартибга солувчи инструмент сифатида кенг қўлланилмоқда. Ушбу кўрсаткич орқали бино ҳажми, қаватлар сони ва қурилиш интенсивлигини ер майдонига нисбатан мувозанатлаш имконияти яратилади. Шундай экан, нотўғри белгиланган қурилиш зичлиги шаҳарларда транспорт юкламасининг ортиши, муҳандислик инфратузилмаси етишмовчилиги, экологик муаммолар ва яшаш сифати пасайишига олиб келиши мумкин. Аксинча, жуда паст зичлик эса иқтисодий самарадорликни камайтиради ва ер ресурсларидан тўлиқ фойдаланмасликка сабаб бўлади. Шунинг учун юртимизда UMN кўрсаткичини илмий асосланган ҳолда аниқлаш ва уни ҳудудий шароитларга мослаштириш долзарб илмий-амалий муаммо сифатида намоён бўлмоқда.

Дунё тажрибасига назар ташласак, АҚШ, Европа давлатлари, Япония каби ривожланган мамлакатларда FAR кўрсаткичлари ҳудудларнинг функционал зоналари, инфратузилма имкониятлари ва шаҳар сибёсатига мос равишда дифференциал тарзда белгиланади. Масалан, йирик мегаполисларда юқори FAR кўрсаткичлари марказий ҳудудларда қўлланилиб, транспорт ва хизмат кўрсатиш тизимлари билан уйғунлаштирилади. Шу билан бирга, паст зичликли ҳудудларда экологик ва ижтимоий омиллар устувор ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида эса сўнгги йилларда урбанизация жараёнлари тезлашиб, янги турар жой массивлари ва куп қаватли бинолар қурилиши кенгайламоқда. Бироқ айрим ҳолларда қурилиш зичлиги ва инфратузилма имкониятлари ўртасидаги номуаносиблик кузатилмоқда. Бу эса, UMN кўрсаткичларини илмий асосда қайта қўриб чиқиш, ҳудудлар кесимида оптималлаштириш ва миллий шаҳарсозлик амалиётига замонавий ёндашувларни жорий этишни тақозо этади.

Назарий жиҳатдан эса, шаҳар ҳудудларида қурилиш зичлиги икки асосий компонентга ажратилади: горизонтал зичлик – ер сатҳининг қурилиш билан қопланиш даражаси ва вертикал зичлик – ер участкасига нисбатан умумий қават майдонининг ҳажми. Ушбу йўналишлар мос равишда UMN (FAR) ва QMN (BCR) кўрсаткичлари орқали ифодаланади. Шу боис, улар шаҳар ҳудудларининг морфологик шаклланиши, меъморий тузилмаси ва ҳудудий сигимини белгилувчи муҳим методик восита ҳисобланади. Зичлик параметрларини аниқлаш нафақат меъморий-режавий, балки ижтимоий-иқтисодий бошқарув инструменти бўлиб, улар ернинг бозор қиймати, инвестицион жозибадорлиги ва инфратузилма самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Шундай экан, UMN (FAR) – бинонинг барча қаватлари умумий майдонининг ер участкаси майдонига нисбатини ифодалайди ва ҳудуднинг вертикал қурилиш интенсивлигини белгилайди. Ушбу кўрсаткичнинг ортиши қурилиш ҳажми ва иқтисодий самарадорлигини оширади, фойдаланувчилар сигимини кенгайтиради ҳамда транспорт ва муҳандислик тармоқларига юкламани кучайтиради. Шу билан бирга, ҳаддан ташқари юқори UMN аҳоли зичлигининг ортиши, ресурсларга талабнинг қўпайиши ва экологик муаммоларнинг кучайишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун у ҳудуднинг экологик барқарорлиги ва инфратузилма имкониятлари билан мувозанатда қўлланиши зарур.

QMN (BCR) эса, бинонинг ер сатҳида эгallaган майдонининг умумий ер участкасига

нисбатини билдиради ва горизонтал зичликни ифодалайди. У очик майдонларни сақлаш, кўкаламзорлаштириш, санитария масофаларини таъминлаш ҳамда пидедалар ва транспорт ҳаракатини ташкил этишда муҳим рол ўйнайди. QMN ортини натижасида қаттиқ қопламалар улуши қўпайиб, экологик мувозанатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, иссиқлик эффекти кучаяди, шамоллатиш имкониятлари қисқаради, ернинг сув шимиш хусусияти пасаяди ва рекреацион ҳудудлар камаяди.

Демак, UMN ва QMN кўрсаткичлари ўзаро уйғун ҳолда қўлланилгандагина ҳудуднинг фазовий ривожланиши, экологик барқарорлиги ва яшаш сифати таъминланади. Шунинг учун замонавий шаҳарсозлик амалиётида QMN кўрсаткичлари қўпинча яшил майдон коэффициенти, қаттиқ қоплама фойзи ва пидедалар майдони билан комплекс ҳолда баҳоланади.

UMN ва QMN кўрсаткичлари шаҳарсозлик тизимида бир қатор стратегик функцияларни бажаради. Жумладан:

а) Фазовий сигимини меъёрлаш функцияси. Мазкур параметрлар орқали ҳудуднинг максимал қурилиш потенциални рақамли шаклда белгиланади. Бу эса, ер ресурсларининг ҳаддан ташқари эксплуатациясини олдини олади.

б) Инфратузилмавий юкламани прогнозлаш функцияси. Қурилиш зичлиги ошиши билан сув таъминоти сарфи, оқова сув ҳажми, электр энергияси талаби, чиқинди генерацияси ҳам ортади. UMN ва QMN ана шу юкламаларни олдиндан ҳисоблаш имконини беради.

с) Транспорт-генерация функцияси. Юқори UMN кўрсаткичли объектларда таширф буюрувчилар ва ходимлар сони қўпаяди, бу эса автотураргоҳ ва кириш-чиқиш схемаларига бевосита таъсир кўрсатади.

д) Инвестицион бошқарув функцияси. Ер участкасининг иқтисодий қиймати куп ҳолларда унда руҳсат этилган UMN миқдорига боғлиқ бўлади. Юқори QMN – юқори тижорат салоҳияти дегани.

е) Экологик мувозанат функцияси. QMN ёрдамида очик майдонлар, кўкаламзор ва табиий шамоллатиш зоналари сақлаб қолинади. Шаҳарсозлик назариясида UMN ва QMN бир-бирдан ажралган ҳолда эмас, балки ягона зичлик тизимининг ўзаро боғлиқ элементлари сифатида қўриб чиқилади. Уларнинг математик коррекцияси қаватлилик коэффициентини орқали аниқланади: $UMN = QMN \cdot n$. бу ерда: n – қаватлар сони. Мазкур боғлиқлик шуни кўрсатадики, бир хил UMN қийматида турли меъморий ечимлар орқали эришиш мумкин. Масалан:

• юқори QMN + кам қаватлилик = ёйиқ типдаги қурилиш;

• паст QMN + юқори қаватлилик = ихчам вертикал қурилиш.

Демак UMN ва QMN параметрларининг уйғун комбинацияси ҳудуднинг урбан морфологиясини, силуетини, эксплуатацион самарадорлигини ва экологик сифатини белгилайди.

Хорижий тажрибада UMN (FAR) дан фойдаланиш

АҚШ шаҳарсозлик ҳужжатларида UMN (Floor area ratio – қават майдони нисбати) қуйидагича таърифланади ва қўлланилади. Хусусан, бинолар ҳажмини назорат қилувчи асосий шаҳарсозлик меъёрларидан бири бўлиб, у маълум бир зоналашган ер участкасида қанча қурилиш майдони жойлаштирилиши мумкинлигини белгилайди. Ҳар бир зонадаги фойдаланиш тури учун FAR қиймати белгиланади ва ушбу қиймат ер участкаси майдонига қўпайтирилганда руҳсат этилган максимал умумий қурилиш майдони ҳосил бўлади. Масалан, майдони 10 000 квадрат метр бўлган участкада FAR 1,0 этиб белгиланса, у ҳолда қурилиши мумкин бўлган жами қават майдони 10.000 квадрат метрдан ошмаслиги керак (1 FAR × 10.000). Бу майдон бошқа ҳажмий меъёрлар билан уйғун ҳолда турли шаклларда жойлаштирилиши мумкин.

Маълум бир ҳудудда турли фойдаланиш турлари учун FAR қийматлари фарқланади. Аралаш функцияли биноларда эса максимал FAR энг юқори кўрсаткич асосида белгиланади ва уларнинг йигиндиси олинмайди. Шу билан бирга, ҳар бир функционал йўналиш ўз меъёрий чегарасига амал қилиши шарт. FARни ҳисоблаш усуллари ҳудуднинг зоналаш тури ва бино функциясига қараб фарқланиб, қўпинча экологик ва ижтимоий мақсадларни ҳам қўзда тутати.

Халқаро тажрибада FAR шаҳарсозлиқнинг асосий бошқарув воситаларидан биридир. Масалан, Япония тажрибасида у транспорт тизими, ҳудудий зоналашув ва участка чекловлари билан узвий боғлиқ ҳолда белгиланади. Айниқса, Токио каби йирик шаҳарларда FAR аҳоли зичлиги ва иқтисодий фаоллиқни тартибга солади. Бу ерда юқори кўрсаткичлар қатъий инфратузилма талаблари билан мувозанатлаштирилади.

Европа амалиётида эса FAR нафақат қурилиш зичлигини, балки яшил ҳудудлар, визуал муҳит ва тарихий меросни сақлаш билан биргаликда баҳоланади. Масалан, Германияда ГФЗ кўрсаткичи орқали ҳудудлар зичлиги тартибга солинади ва у ҳудуд турига қараб фарқланади. Бу ёндашув экологик барқарорлик ва инсоний масштабни сақлашга хизмат қилади. Туркияда FAR (Эмсал/КАКС) урбанизация ва қайта қурилиш жараёнларининг муҳим инструменти бўлиб, айниқса, Истанбул каби йирик шаҳарларда фаол қўлланади. Бунда транспорт, зилзилабардошлик ва инфратузилма имкониятлари асосий омил сифатида ҳисоба олинади.

Ўзбекистон шароитида зичлик параметрлари 2020 йиллардан бошлаб шаҳарсозлик амалиётига жорий этила бошлади. Тошкент шаҳри бош режасида UMN ва QMN кўрсаткичлари қўлланилиб, маҳаллалар зичлиги таҳлил қилиниди ва уларни меъёрлаш бўйича илмий ёндашувлар ишлаб чиқилди. Ушбу кўрсаткичлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам киритилиб, шаҳарсозлик тизимининг муҳим элементи сифатида шаклланимоқда.

Хулоса қилиб айтганда, UMN (FAR) шаҳарсозликда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, қурилиш зичлигини бошқариш ва барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилувчи асосий кўрсаткичдир. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, у турли мамлакатларда турлича мақсадларда қўлланилсада, умумий жиҳатдан инфратузилма сигими, экологик мувозанат ва яшаш сифати билан уйғун ҳолда белгиланиши зарур.



Қурилишда чанг кўтарилишига йўл қўйган мансабдорларга чора кўрилади

Қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосининг ифлосланишига йўл қўйиш қонунчилиқка зид ҳисобланади ва бунинг учун белгиланган тартибда жавобгарлик мавжуд.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-1042-сон Қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартриш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, ушбу ҳужжат қурилиш жараёнида экологик меъёрларга риоя этилишини қатъий назорат қилишни назарда тутати.

Мазкур қонунга мувофиқ, қурилиш ишлари давомида чанг кўтарилишига йўл қўйган, атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатган мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чо-

ралар қўлланилади. Амалдаги қонунчилик талабларига қўра, 500 квадрат метр ва ундан ортик майдонга эга бўлган қурилиш ҳудудларида, шунингдек, қурилиш майдонига туташ ҳудудларда ва чиқиш йўлларида чанг, қум ва бошқа майда зарраларнинг ҳавога кўтарилишининг олдини олиш бўйича мажбурий профилактик чоралар қўрилиши шарт.

Жумладан, сув сепиш, ёпиқ ташиш воситаларидан фойдаланиш, вақтинчалик тўсиқлар ўрнатиш каби чоралар назарда тутилади. Агар ушбу талаблар бузилиши натижасида ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори белгиланган меъёрлардан ошиб кетишига йўл қўйилса, айбдор мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) 10 баравари миқдорда жарима солинади. Мазкур ҳуқуқбузарлик бир йил ичида такрор содир этилган тақдирда, жарима миқдори БХМнинг 50 бараваригача оширилади.



Кичкинтойлар меҳр оғушида

Мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбиясига, уларнинг соғлом ўсишига, маънан етук, теран дунёқарашли инсонлар бўлиб етишишларига доимий эътибор қаратилмоқда. Жажжиларимизнинг интеллектуал салоҳиятли кадрлар бўлиши йўлида шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Самарқанд шаҳридаги Дилором Турсунова раҳбарлик қилаётган 122-дават таълим муассасасида ҳам болажонлар таълим-тарбияси ана шундай талаблар даражасида ташкил этилган. Бу таълим ташкилотидagi ишларнинг олга силжишига кўмак бераётти.

Муассасада кичкинтойлар учун барча шароитлар яратилган. Имкониятлардан фойдаланиш борасида бутун жамоа бирдай курашади, янгиликлар сари интилишлари натижасида ютуқларга эришади.

Айни пайтда бу ерда 43 нафар ишчи-хизматчи жон қуйдирмоқда. Ҳаммаси ҳукуматимиз томонидан боғча таълим-тарбияси қонунлар, қарорлар ҳамда бошқа ҳужжатлар билан яхши таниш, бажариладиган ишлар йўналишини шу асосда ташкил этишган. 360 нафар тарбияланувчи билан машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилмоқда. Доимий ишлаб турган тўтақарлар кичкинтойларнинг тил ўрганиши, дунёқарашининг бойиши ва яна улар қалбидagi қўлаб ижобий хислатларнинг такомиллашувида хизмат қилади.



– Муассасада бир қатор ибратли ишларни амалга оширяпмиз, – деди директор Дилором Турсунова. – Ҳудудимизнинг анча катталиги қўпгина юмушларни ички имкониятлар ҳисобига бажаришимизни тақозо этади. Айниқса, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш жаҳасидаги вазифалар борасида ҳар доим жиддий юмушлар кутиб туради. “Яшил макон” дастури бўйича бажариладиган ишлар қўлами кенг. Уларнинг асосий қисmini ўз қучимиз асосида уддалаяпмиз. Аммо ҳаммасини амалга ошириш борасида имкониятларимиз етарли эмас. Бино 1993 йилда қурилган. Шу боис, у эскиряпти. Айрим жойларини таъмирлашга тўғри келмоқда. Лекин бунинг учун ҳар доим ҳам маблағга эга бўлавермаймиз. Шу жиҳатдан кўмакка муҳтож бўлиб қолаяпмиз.

Байрамлар ва яна айрим эсда қоларли саналарни ўтказиш борасида жамоа катта тажрибага эга. Айни кунларда эса муассаса ахли 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносиб нишонламоқда.

Уй-жойлар қурилишида улкан тажрибага эга устоз

Инсоннинг ҳаёт йўли баъзан қурилган бинолар, барпо этилган иншоотлар ёки эгалланган лавозимлар билан эмас, балки у ортда қолдирган мактаб, тарбиялаган шогирдлар ва халқ хизматида ўтган йиллар билан ўлчанади. Архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийларидан бири, кўп йиллик раҳбар, тажрибали муҳандис ва садоқатли устоз, Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгаши аъзоси Асрор Саидов ана шундай инсонлар сирасига киради.

Шерзод НИЗАМОВ,
Архитектура ва қурилиш соҳасида
Фахрийлар кенгаши раиси ёрдамчиси.

Қарийб ярим асрдан зиёд меҳнат фаолияти давомида у оддий уста лавозимидан йирик қурилиш корхоналари раҳбаригача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. Бугун юртимизнинг турли ҳудудларида қад ростлаб турган кўплаб турар жойлар, саноат мажмуалари ва стратегик аҳамиятга эга объектларда унинг меҳнати, тажрибаси ва фидойилиги мужассам.

Асрор Саидов 1947 йил 2 март куни Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган. 1970 йили Тошкент политехника институтининг Саноат ва фуқаролар қурилиши факультетини муҳандис-қурувчи мутахассислиги бўйича тамомлаган. Ҳарбий хизматни ўтаб, иш фаолиятини 1972 йилдан 1-сон уй-жой қурилиш комбинатининг 2-сон монтаж бошқармасида усталиқидан бошлаган. Меҳнатга бўлган муносабати, касбий маҳорати ва ташқилотчилик қobiliяти туфайли қисқа вақт ичида жамоа орасида ҳурмат қозонди. Кейинчалик участка

бошлиғи, бош муҳандис ва раҳбарлик лавозимларигача бўлган масъулиятли меҳнат йўлини босиб ўтди.

А.Саидов мутахассислиги бўйича соҳада 50 йиллик тажрибага эга. Бу йиллар давомида Тошкент шаҳридаги кўплаб янги турар жой массивларини барпо этиш, оммавий уй-жойлар қурилишини ривожлантириш, шаҳар инфра-тузилмасини кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли қурилиш ишларида фаол қатнашди. Қаҳрамонимиз меҳнат қилган жамоалар томонидан юзлаб кўп қаватли турар жой бинолари, муҳандислик ва ижтимоий объектлар барпо этилишидаги иштироки унга катта амалиёт, улкан масъулият ва ҳақиқий муҳандислик мактабига айланди.

1991-1992 йилларда 2-сон уй-жой қурилиш комбинатида бошлиқ, 1992-2000 йилларда 1-сонли уй-жой қурилиш комбинати бош муҳандиси ва раҳбари лавозимларида ишлаб туриб, қурилиш индустриясининг етакчи мутахассислари таркибида Россиянинг Тюмень шаҳри ҳамда Хитойнинг Урумчи шаҳридаги халқаро тажриба алмашув дастурларида қатнашди. Қурилиш индустриясини ташкил этиш, йирик панелли уй-жойлар қурилиши ва ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш бўйича ўрганилган илғор тажриба кейинчалик у раҳбарлик қилган жамоалар фаолиятида ўз ифодасини топди.

Юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти, айниқса, қурилиш соҳаси учун жиддий синов даври бўлгани маълум. Кўплаб корхоналар фаолияти қисқарган, айримлари эса тўхтаб қолган мураккаб шароитда ҳам Асрор Фатхуллаевич раҳбар сифатида жамоани сақлаб қолиш, ишлаб чиқаришни тўхтатмаслик ва бошланган объектларни яқунлаш учун катта масъулият билан меҳнат қилди. Айнан шу йилларда унинг бевосита раҳбарлиги ва муҳандислик назорати остида 12 та йирик қурилиш объекти муваффақиятли яқунланиб, фойдаланишга топширилди. Бу нафақат касбий ютуқ, балки ўтиш даврида бунёдкорлик анъаналарини сақлаб қолиш йўлидаги муҳим хизмат эди.

2001-2005 йилларда "Катта ҳажмли экспериментал уйлар қурилиши комбинати"да бош директор сифатида фаолият юритиб, Юнусобод



туманида ҳар бири 72 хонадондан иборат саккизта тўққиз қаватли турар жой биноларининг қурилиб, фойдаланишга топширилишига бошчилик қилди. Ушбу объектлар юзлаб оилалар учун янги ҳаёт манзилига айланди.

2007-2017 йиллар давомида эса Иқтисодиёт вазирлиги қoшидаги "Ўзоғирсаноатнефтьгаз-кимёлойиха" институтида бош архитектор лавозимида фаолият юритиб, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидagi "Сургул" газ-кимё комплекси қурилиш ишларида техник назорат ишларини олиб борди. Ушбу комплекста сунъий сув омборини лойиҳалаш ва Тахиятош шаҳридан 145 километр d-122 миллиметрик кувурлар билан сув таъминоти тизимини қуриш ишларида жонбозлик кўрсатди.

Шунингдек, Қашқадарё вилоятидаги "Шўртан" газ-кимё комплексида "Табиий газдан сунъий авиа керосин, дизель ва мазут ишлаб чиқарувчи" GTL комплекси қурилишида, Бухоро аэропортини қайтадан қуриш лойиҳаларини яратиш ва қуриш, Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри биносини қайта таъмирлаш ишларида фаол иштирок этиб, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан кураторлик қилди.

А.Саидов 2017-2020 йиллар давомида "Ўз-Гидроэнергoлоийха" институтида экспертиза

бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритиб, Сурхондарё вилоятидаги "Тўпаланг" сув омборининг сув ҳажмини ошириш учун қайта таъмирлаш лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидagi дарё ва ўзанларда кичик ГЭСлар лойиҳалари ишлаб чиқирилишида ҳам фаол қатнашди.

Малакали устоз ўзи ишлаган жамоаларда маънавий-маърифий муҳит яратиш, қурилиш объектларига раҳбарлик қилиш, "Устоз-шогирд" аңганаси асосида ёшларга касб сирларини қунт билан ўргатишда ҳам кўпчиликка ибрат бўлса, арийдиган. Шу боис, Асрор Саидов учун фақатгина бинолар эмас, балки у тарбиялаган кадрлар ҳам катта бойлик ҳисобланади.

Бугунги кунда 6 нафар фарзанд, 20 та набира ва 1 нафар чеварадан иборат катта оиланинг бошлиғи сифатида яқинларининг ҳам меҳрини қозониб келмоқда.

Қурилган бинолар вақт ўттиши билан шаҳарлар қиёфасининг ажралмас бир қисмига айланади, уларни барпо этган инсонларга бўлган ҳурмат эса йиллар ўтса-да сақланиб қолади. Асрор Саидовнинг кўп йиллик меҳнати, бой тажрибаси ва тарбиялаган шогирдлари бугун ҳам унинг касбига садоқати, фидокорона меҳнати ва бой ҳаёт мактабининг муносиб давоми бўлиб келмоқда.

Миллий қадриятларга ҳурмат

Янгидан барпо этилган Ислom цивилизацияси маркази энг машҳур маънавий-маърифий масканлардан бирига айланди. 2026 йил март ойида расман очилган ушбу улкан мажмуа нафақат ноёб экспонатлари билан, балки ёшлар онгида миллий ғурур ва тарихий меросга ҳурмат туйғусини уйғотишда ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Жамшид МАРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ҳавфсизлик ва мудофаа университети катта ўқитувчиси, подполковник.



Марказга ташриф буюрувчиларнинг сони эса кун сайин ортиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ҳавфсизлик ва мудофаа университетининг тингловчилари ҳам мазкур масканга ташриф буюриб, бой тарихий мерос, ноёб кўлэмалар, замонавий экспозициялар ва буюк алломаларимизнинг илм-фанга қўшган ҳиссаси билан яқиндан танишиди. Шунингдек, улар миллий мерос ва аждодларимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси ҳақида ҳам кенг тасаввурга эга бўлдилар.

Тингловчилар бу ердан нафақат тарихий фактларни ўрганди, балки миллий ва диний қадриятларимизнинг чуқур моҳиятини англади, илм-фан, бағрикенглик ва тинчлик тамойилларини ўзлаштирди десак, муболага бўлмайди.

Умуман олганда, Ислom цивилизацияси марказига ташриф буюрган тингловчиларнинг таассуротлари катта бўлди. Энг муҳими, бу ташриф уларга янги билимлар улашиш билан бир қаторда, Ватанга бўлган муҳаббатининг ошишига, миллий ва маънавий қадриятларга ҳурмат туйғусининг мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Охиратингиз обод бўлсин

Ҳар қандай иншоот пишиқ-пукта ўйлаб чизилган лойиҳадан бошланади. Бундай иморатлар замонлар оша ўз сeҳри, таровати билан инсонларни мафтун этиб, эзгулик улашади. Самарқанддаги "Univer pro stile" МЧЖни ана шундай кадрлар ўчоғи, дейиш мумкин.

Тажрибали мутахассис, техника фанлари доктори, Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш университети доценти Собиржон Тошев раҳбарлигидаги аҳил жамоа неча йилдири, нафақат Самарқанд, балки мамлакатимизда қад ростлаётган мухташам иморатлар, кўркем уй-жойлар, йирик саноат объектлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, муҳандислик тармоқлари тизимини вужудга келтиришда жонбозлик кўрсатиб, эл ишончини қозониб улгурди.

Устоз дорилфунунда ёш авлодга билим ва тарбия бериш баробарида юзлаб ёшларга касб сир-асрорларини қунт билан ўргатди. Бинобарин, шаҳару қишлоқлар чиройига чирой қўшиш, кўп қаватли иморатлар, кўча, хиёбон янада обод, кўркем бўлиши учун қайғуриш лойиҳачиларнинг асосий шиорига айланган.

Собиржон Тошев бошчилигида Самарқанддаги Қорасув, Тойлоқдаги Чароғбон, Ургутдаги Камангарон маҳаллаларидаги уй-жой массивлари, Сўғдиёна боғидаги савдо ва кўн-гилочар маскан, Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Лочин маҳалласи, Тошкент вилоятидаги Янгийўл, Тошкент шаҳридаги Янги ҳаёт тумани, Сирдарё вилоятидаги Мирзаобод тумани, Нукус, Жиззах, Навоий, Андижон, Наманган шаҳарларидаги осмонўпар бинолар, қатор ижтимоий-маданий объектлар лойиҳа-



лари тайёрланган. Шунингдек, Қандим конлари атрофида газ-кимё комплекси қуриш, "GTL Uzbekistan" корхонаси лойиҳасини яратиш, "Ургут эркин иқтисодий зонаси"да пойабзал, енгил металл конструкциялари ишлаб чиқариш, базальт тола асосида сендвич панеллар, металл кувурлар, профиллар заводлари қурилишида ҳам устоз бошчилигидаги жамоа аъзолари фаол қатнашган.

Минг афсуски, юртимиз қурилиш ва лойиҳалаштириш соҳаси ривожига улкан ҳисса қўшган фидойий инсон, "Univer pro stile" МЧЖ раҳбари, Турон фанлар академияси академиги, доцент, "Шуҳрат" медалли соҳиби, кадрли устозимиз ва раҳбаримиз Собиржон Тошев вафот этди...

Собиржон Қаҳқорович ўзининг юксак инсоний фазилатлари, меҳнатсеварлиги, шогирдларига бўлган ғамхўрлиги ва эл-юрт орасидаги ҳурмати билан ҳаммаимизнинг қалбимиздан чуқур жой олган эди. Устозимизнинг фарзандлари Хуршид ва Алишер Қаҳқоровлар ҳамда оила аъзолари, яқинларига ва барча шогирдларига ҳамдардлик билдираимиз.

"Univer pro stile" МЧЖ жамоаси.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 2-4 июнь саналарида таваллуд айёмларини
нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Буюртмачилар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Абдуллазизўжа Очиллов**,
"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро назорати бўлими бошлиғи **Жасурбек Раҳматов**, Смета ва қурилишни ташкил этиш бўйича етакчи мутахассис **Зебохон Турғунбоева**, хайдовчи **Мирҳайдар Каримов**,
"Коммунал лойиҳа илмий тадқиқот институти" ДМ "Шимоллий" филиали бош мутахассиси **Нурлан Испанов**,
"Ўзоғирсаноатлойиҳа" ДМ СОА етакчи мутахассиси **Наиль Аҳмедзянов**, ОИСК катта муҳандиси **Татьяна Подпорина**, ОАВПиЭА оператори **Гульнора Арипова**,
"Ozshaharsozlik LITI" ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси гуруҳ мудири **Алия Сейт-Фазилова**, 3-устахонаси гуруҳ мудири **Оксана Самослед**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги давлат хизматларини кўрсатиш бўлими бош мутахассиси **Жанибек Оринбеков**,
Андижон вилояти Хонобод шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича етакчи мутахассиси **Абдуллоҳ Абдусатторов**, Девонхона ва ижро назорати бўйича бош мутахассиси **Абборхон Шодилжонов**,

Қашқадарё вилояти Муборак тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Ойдин Тўраева**, Қарши шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Атхамжон Шарипов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Комил Жуманов**,
"Иссиқлик таъминоти" АЖ Халқаро ҳамкорлик ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини шакллантириш бўлими бош мутахассиси **Абдували Комиллов**, Андижон вилояти филиали боғбони **Абдужаббор Хатамов**, созловчи **Ҳайитвой Маликов**, Самарқанд вилояти филиали катта устаси **Рамиш Ҳасанов**, Навоий вилояти филиали хайдовчиси **Алишер Бердиев**, чилангар **Маъруф Тошов**, Зарафшон филиали мудири **Елена Дяченко**, Иссиқлик тармоқларига хизмат кўрсатиш бўйича чилангар **Файёз Мавлонов**, Тошкент вилояти Бўстонлиқ филиали қозонхонага хизмат кўрсатиш бўйича чилангар **Абдувоҳид Назиров**, Қибрай тумани филиали 3-сонли қозонхона қоровули **Иброҳим Рўзиматов**, 4-сонли қозонхона қоровули **Азиз Умаралиев**, Зангиота тумани филиали қозонхонага хизмат кўрсатиш бўйича чилангар **Ёдгор Абуғаппаров**,

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги "Пахтазор ишонч коммунал" БСК МЧЖ бош директори **Жавлон Раҳмонов**, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги "Samira-Jasmina-Gold" БСК МЧЖ бош директори **Илҳом Бекмуродов**, Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "Sarakul Baraka" БСК МЧЖ бош директори **Манзура Содикова**, Мирзо Улуғбек туманидаги "Xalqqa Xizmat Kommunal" БСК МЧЖ бош директори **Абдувоҳид Имамовларни** таваллуд кунини чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик,
мустақкам соғлиқ тилаймиз!

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
**O'zbekiston
bunyodkori**
Строитель Узбекистана

Ташхир хайъати:
Шерзод Хидоятгов (Ташхир хайъати раиси),
Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов,
Озода Жўраева, Сирожидин Эшқувватов,
Косим Туляганов, Юлдаш Мағрулов,
Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Ташхирият:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари –
Райҳона Жўраева
Саҳифаловчи – Ақмал Маҳмамов
Мусахҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланади.

"Ўзбекистон бунёдкори"
Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
"ЎзАШКЛИТИ" МЧЖ,
"ЎзшаҳарсозилиТИТИ" ДМ,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеоранметЛИТИ" ДУК.

Ташхирият манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,
18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси:
90-658-50-43.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 641. 1414 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Ташхириятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета ташхирият компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – Топширилди – 2300.

